O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV.№




Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 27 март сешанба

Сотувда эркин нархда № 61 (2623)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ


## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 март куни Оқсаройда Туркия Буюк миллат мажлиси раиси Умар Изгини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, қардош турк халқи билан дўстлик ришталари мустаҳкамланиб бораётганидан мамнуният билдирди.

— Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда бизни биринчилар қаторида биродарларча қўллаб-қувватлаган давлат Туркия эди, — деди Президент. — Буни халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Ўзбек ва турк халқларини нафақат бугунги дўстона ёки савдо-иқтисодий алоқалар, балки қадимий тарихий ришталар боғлаб туради. Ўйлайманки, ташрифингиз ўзаро алоқаларимиз янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади.

Икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ, иқтисодиёт, мудофаа ва хавфсизлик, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, алоқа, фан-техника, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлик тобора ривож топиб бораётганини таъкидламоқ керак. Сўнгги пайтда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми нисбатан камайган бўлса-да, Ўзбекистондан Туркияга экспорт ҳажми сезиларли даражада ортди. Жумладан, 1997 йилда Ўзбекистоннинг экспорти ўзаро савдонинг 21,0 фоизини ташкил қилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 99,4 фоизгача кўтарилган.

Мамлакатимизда қатор турк фирма ва компаниялари фаол иш юритмоқда. Турк сармояси иштирокида тузилган "Папфен", "Кохис", "Шарқ-Мир Лтд" каби компаниялар фаолияти эътиборга молик. Шунингдек, 1999 йили Самарқандда ишга тушган "СамКўчавто" қўшма корхонасини ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Айни пайтда, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида 27 турк фирма ва компаниясининг ваколатхонаси рўйхатдан ўтган.

Туркия Буюк миллат мажлиси 1920 йили ташкил этилган. Мамлакатда бир палаталик парламент фаолият юритади. Умар Изги 2000 йил октябр ойида унинг раиси этиб сайланган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Туркия муносабатлари ҳақида сўзлар экан, икки мамлакат парламентларининг ўзаро алоқалари ҳукуматлараро муносабатларнинг ривожига ҳам муҳим ҳисса бўлиб қўшилишини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: қабул пайти. Дилшод ЮСУПОВ олган сурат.**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Туркия Буюк миллат мажлиси раиси Умар Изги бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Музокараларда Ўзбекистон парламенти раиси Э.Халилов меҳмонларга Олий Мажлис фаолияти, унинг хорижий давлатлардаги олий қонун чиқарувчи органлар билан алоқалари, мамлакатимизда икки палатали парламент тузиш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

— Мазкур ташрифнинг юртимизда Наврўз айёми нишонланаётган кунларга тўғри келганида ўзгача бир маъно бор, — деди парламентимиз раиси. — Наврўз қадимдан меҳр-муҳаббат ва саховат, яқинлар, биродарлар ҳолидан хабар олиш, мўътабар қадамжоларни зиёрат қилиш байрами сифатида эъзозланиб келади.

— Ота юртга ташриф буюриш бахтига муяссар бўлганимдан бахтиёрман, — деди Туркия делегацияси раҳбари. — Ташрифдан асосий мақсад мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва бу билан дини, тили, урф-одати ва илдизи бир бўлган мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада фаоллаштиришдир.

Учрашувда ўзаро парламентлараро муносабатларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

## ҲОЗИР ЕР ЕТИЛГАН, ТАБИИЙ НАМ МАРОМИДА

### Шундай шароитда ЧИГИТни тезроқ экиб олган деҳқон ютади

*Плёнка остига чигит экиш Андижон, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида якунланди*



*Навоий, Бухоро, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида бу борада сусткашликка йўл қўйилмоқда*



**Бободеҳқонларда «БИР КУН ЭРТА ЭККАН ЎН КУН БАРВАҚТ ҲОСИЛ ОЛАДИ» деган нақл бор. Демак, табиий нам тупроқдан кўтарилиб кетмасдан, ғанимат фурсатнинг қадрига етайлик.**

## Тошкентда тўхтаб ўтди

Шу йил 26 март куни Украина Президентининг рафиқаси Л.Н.Кучма раҳбарлигидаги Украина делегацияси Корея Республикасига кета туриб Тошкентда тўхтаб ўтди. Республикамизда қисқа муддат бўлиши чоғида Л.Н.Кучма Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси Т.А.Каримова ҳамроҳлигида Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди.

Шу куннинг ўзида делегация Сеулга учиб кетди.

**«Жаҳон» АА.**

## Шоир сўзи имкониятлари

### Абдулла Орипов таваллудининг 60 йиллиги Қашқа воҳасида ҳам нишонланди

«Қашқадарё... гўзал ва бетакрор, Оллоҳнинг назари тушган макондир». Юртбошимиз бу сўзларни бежиз айтмаган. Қашқадарё нафақат ер ости ва ер усти бойликларга, табиий заҳираларга, улкан имкониятларга эга бўлган диёр. Балки «мард ва танти, ҳалол ва шижоатли, орияти баланд, иймони бутун инсонлар юрти» ҳам. Шоирнинг «Ўзбекистон — Ватаним маним» дея шеър битиши ҳам тасодифми? Йўқ. Халқимиз ҳамиша эркка ташна бўлган, босқинчиларга асло бўйин эгмаган. Ҳаммавақт озодлик хаёли билан яшаган.

Шу руҳ, шу кайфият фарзандларига сингган. Президентимизнинг Оқсаройда қаҳрамон шоиримизни қабул қилиб, таваллуд айёми билан муборакбод этганларида «Ўзбекистон — Ватаним маним» шеъри ёзилган даврни ёдга олишлари бежиз эмас. Ўзбекистоннинг мустақиллигини орзу қилган кучлар ҳамиша бўлган. Бунинг учун улар отилган, ўлдирилган. Лекин барибир халқнинг кўнглидаги ҳурриятга бўлган интилишни бутунлай йўқ қилишнинг уддасидан чиқишолмаган. Шунинг учун ҳам Абдулла Орипов шеъриятимиз осмонида ёрқин юлдуз бўлиб порлади, чақиндек чақнаб, юракларидаги ана шу ҳис-туйғуларни оловлантирди.

Ўтган якшанба куни Қарши шаҳридаги Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номли Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг 60 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда ана шулар ҳақида сўз борди.

(Давоми 4-бетда).

**Долзарб мавзу**

## Оқсимдан огоҳ бўлайлик

Оқсим (ящчур) касаллиги Европа мамлакатларида тобора кенг тарқалиб бормоқда. У дастлаб бир қатор давлатларда пайдо бўлиб, чорвачиликка катта зарар етказган бўлса, кейинчалик бошқа минтақаларга ҳам кириб борди. Бундай нохуш эпизоотологик вазият юзага келганлиги сабабли миллионлаб бош қорамол ва қўйлар йўқ қилиб ташланди. Яқинда жаҳон оммавий ахборот воситалари касалликнинг Янги Зеландияда ҳам пайдо бўлганлиги тўғрисида хабар беришди. Энг афсусланарли томони оқсим Марказий Осиё давлатларида ҳам, кам ҳолларда бўлса-да, учрамоқда. Қўшни республикаларда вужудга келган бундай эпизоотологик ва эпедемиологик вазият бизнинг юртимизга ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

## КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛОВЧИ ДАСТУР

***Таълим-тарбияни бирламчи омиллардан деб билиш ва уни бошқа устувор йўналишлар билан узвий мутаносибликда олиб қараш — мустақил Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим хусусиятларидан биридир.***

**XXI Ўзбекистон асри**

Бундай қараш эса чуқур ҳаётий асосларга эга. Чунки сиёсий ривожланишни ҳам, иқтисодий такомилни ҳам, ижтимоий-маънавий юксалишни ҳам етук онгли, чуқур маданиятли ва малакали кадрларсиз амалга ошириш мушкул. Худди шу сабабларга кўра, мустақил Ўзбекистонда таълим-тарбияни тубдан ислоҳ қилиш тажрибаси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётбахш ғоялари халқаро миқёсда катта обрў топди ва унга қизиқиш тобора ортиб бораяпти.

Бугун Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримиз махсус анъанавий халқаро анжуманлар мавзусига айланмоқда. Кўпгина хорижий мамлакатларда таълимни ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон тажрибаси зўр қизиқиш ва амалий манфаатдорлик билан ўрганилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий ташаббускори — мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовни эса дунёдаги кўпгина довруқли педагогик Академиялар, энг нуфузли илм-фан ва таълим марказлари ўзларига фахрий аъзо этиб сайламоқдалар.

Айни кунларда эса республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичида кўзда тутилган кенг миқёсли, мамлакат таълим тизимининг барча йўналишларини қамраб олган вазифалар муваффақиятли бажарилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида асосий вазифалардан бири сифатида кўрсатилган узлуксиз таълим тизимида мактабгача ва умумий ўрта таълим ҳал қилувчи босқич ҳисобланади. Ҳозир бу босқичдаги ислоҳотлар натижаси ўзининг илк, қувонарли нишоналарини бермоқда. Жумладан, «Мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари» ва «Учинчи мингйилликнинг боласи» таянч дастурлари ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда давлат тасарруфидаги 6742 та болалар боғчаси ёнига нодавлат мактабгача тарбия муассасалари ҳам қўшилмоқда. Шунингдек, оилада мактабгача тарбия ва болаларни мактабга тайёрлаш бўйича алоҳида дастур ҳаётга жорий этилди. Бу босқичдаги тарбия жараёнида оила, маҳалла, жамоатчилик ташкилотлари ва жамғармалар ўзаро ҳамкорликда фаол қатнашмоқда.

Умумтаълим мактаблари учун эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августидаги 390-сонли қарори билан 9 йиллик умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари жорий этилди. Бу дастур умумий ўқув режасини, 23 та ўқув фани бўйича замонавий таълим стандартларини, бошқа намунавий ўқув режалари ва дастурларни ўз ичига олади. Мактабларда ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими амалга оширилди. Ҳозирги кунда халқ таълими тизимидаги мактабларнинг 48 фоизи компьютерлар билан таъминланган. Умумтаълим мактабларини етук ўқитувчи кадрлар билан мустаҳкамлаш бўйича сезиларли ишлар қилинди. Республика мактабларида 439 минг ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 71,7 фоизи олий маълумотли педагоглардир.

Мамлакатда, шунингдек, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан иборат янги таълим муассасалари тизими вужудга кела бошлади. Миллий дастурда белгиланганидек, 2005 йилга қадар республикада 1611 та касб-ҳунар коллежи ва 186 та академик лицей бунёд этилиб, умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирувчилар уларда тўла қамраб олинади. Бу тадбир босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда 1998-2000 йилларда 47 та академик лицей ва 260 та касб-ҳунар коллежи қурилиб, шу мақсадлар учун 135 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бу таълим муассасаларини жиҳозлаш учун республика бюджетидан 6 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди. Шу мақсадлар учун 150 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестицияси жалб қилинди.

Ушбу янги таълим муассасалари учун 11 йўналишдаги 72 та Давлат таълим стандарти ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз минтақаларида 223 та психологик-педагогик диагностика ва ўқувчиларни касбга йўналтириш марказлари тузилди. Бу таълим тизими учун педагогик кадрларни қайта тарбиялаш ва малакасини оширишга мўлжалланган ихтисослашган 38 та марказ ташкил қилинди. Кейинги уч йил мобайнида 14 минг ўқитувчи ана шу марказларда малака оширдилар.

Бу йил республика касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчилари ҳаётга йўлланма оладилар. Энг замонавий лойиҳалар асосида муҳташам қилиб қурилаётган ҳамда энг илғор ўқув-таълим воситалари билан жиҳозланаётган бу янги шаклдаги таълим муассасалари жойларда том маънода маданий-маърифий ва маънавий марказлар мавқеига эришмоқда.

Ўтган уч йил мобайнида, жумладан, республика олий таълим тизимида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Ҳозирги кунда олий таълим тизимидаги бакалаврлик ва магистратура йўналишлари бўйича 290 та давлат таълим стандарти ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Бу йил республикамизнинг 25 та олий ўқув юртида таълим олаётган 2100 га яқин магистрантлар магистратура босқичини илк бор битириб чиқадилар.

Магистратура йўналиши бўйича таълим олаётган ёшлар орасидан энг иқтидорлилари «Умид» жамғармаси орқали ривожланган давлатлар олий ўқув юртларига ўқишга юборилмоқда.

Шунингдек, бу тизимда «Устоз» жамғармаси орқали педагогларнинг чет элларда малакасини ошириш, барча ўқув юртлари қошида қўшма ва кичик корхоналар ташкил этиш, таълим тизимига маркетинг хизматини жорий этиш, талабалар универсиадасини ўтказиш каби янги-янги тадбирлар амалга оширилаяптики, бу вазифалар ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга қаратилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — мамлакат ва жамият салоҳиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон халқи ўз олдига қўйган юксак мақсад — кучли-қудратли демократик давлатни шакллантириш, Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этишдек улуғвор мақсадларга хизмат қилаверади.

**М. САФАРОВ.**

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

## Бугун — Халқаро театр куни

# Ҳамкорликнинг олтин кўприги

Куни кеча мустақил республикамизга бой сепини ёйиб кириб келган Наврўзни шодиёна этган эдик. Энди эса Халқаро театр кунини байрам қилмоқдамиз. Ҳар йили бу мўътабар кун жаҳондаги бирон-бир воқеага ёхуд долзарб мавзуга бағишланади. Ўзбекистонда у мустақиллигимизнинг шонли ўн йиллиги арафасида ҳамда мазкур йил Оналар ва болалар йили деб эълон қилинган чоғларда байрам этилаётгани алоҳида аҳамият касб этади. Саҳна санъати ижодкорларининг мазкур кунни халқаро миқёсда байрам этиш ҳақидаги даъвати тараққийпарвар жамоатчилик томонидан жаҳонга таратилганига ҳам қарийб ярим асрча вақт бўлиб қолмоқда. Халқаро театр институти — МИТнинг ижодкор намояндалари ташаббусига кўра БМТ қошидаги ЮНЕСКО қарори билан бу кун таъсис этилганди ва унинг муаззам шиори — «Театр халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни равнақ топтиришнинг олтин кўприги», дея белгиланганди.

Ўзбекистонда Халқаро театр кунини байрам этиб нишонлашнинг солномаси XX асрнинг 60-йилларига бориб тақалади. Республикамизда Халқаро театр кунига бағишлаб ўтказилган дастлабки тантанали анжуманни давримизнинг машҳур саҳна санъати устаси, Халқ артисти, Давлат мукофотларининг совриндори Олим Хўжаев олиб борган. Мазкур анжуманда хорижий юрт театр арбоблари ҳам иштирок этган эдилар. Шу кунга бағишлаб энг яхши спектакллар учун махсус кўрик-танлов ҳам ўтказилганди.

Ана ўшандан бери бу ажойиб кунда театр ва унинг арбоблари энг яхши, умумбашарий, тинчлик ва тараққиётга, инсонпарварликка даъват этувчи саҳна асарларини намойиш этадилар. «Драматургия ва ҳаёт», «Театр ва тараққиёт», «Ёшлар ва бадиий ижод», «Режиссуранинг ҳозирги замон муаммолари» каби мавзуларда анжуманлар, илмий-назарий, ижодий конференция, баҳслар ўтказадилар. Томошабинлар конференциялари ташкил этилади. Турли танловлар, кўриклар уюштирилади.

Республикамиз саҳна санъати намояндалари ҳам ЮНЕСКО, МИТ, улар ҳузуридаги УНИМА (болалар театри халқаро ташкилоти), «АССИТЕЖ» (ёш томошабинлар халқаро уюшмаси) тадбирларида фаол қатнашиб келадилар. Айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бери республика театр маданиятининг ажойиб ютуқлари жаҳонга кенг тарала бошлади, театр ва унинг ижодкорлари дунёнинг қатор мамлакатларига бориш ҳамда ўз ижодий ютуқларини, маҳоратларини намойиш этиш имкониятига эга бўлдилар. Ваҳоланки, шўролар даврида Ҳамза номидаги академик драма театри биронта Ғарб ёинки Шарқ мамлакатига гастролга чиқмаганди.

Қарийб етмиш йилдан зиёд ҳукм сурган қизил империявий сиёсат, мафкура бадиий ижодда ҳам сезиларли чекланишларни, тараққиёт ва тарғиботга ғов бўлувчи асоcларни юзага келтирган эди. Истиқлол адолатни, бу борадаги тарихий ҳақиқатни тиклаб, ўрнига қўйди. Эндиликда санъатимиз жонкуярларининг номи маданий-маънавий солномамизнинг олтин саҳифаларига битилди ва юксак эъзозланмоқда. Эндиликда саҳна асарларимизда буюк аждодларимиз сиймолари, халқ жасорати, замондошларимизнинг бунёдкорлиги ўзининг ҳаққоний аксини топмоқда. Саҳнада Тўмарис, Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Бобур сиймолари гавдаланмоқда, Алпомишлар жасорати, ватанпарварлиги жилоланмоқда. Театр маданиятимизда бундай жиддий бурилишлар ва ўзгаришларнинг содир бўлишида Юртбошимизнинг республикада театр санъатини янада ривожлантиришга қаратилган фармонининг ўрни, аҳамияти каттадир. Бу борадаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳам маданий-маънавий ҳаётимизнинг янада равнақ топишида, саҳна санъатимизни янада, ёркин истиқболларни очиб беради.

Бу йилги Халқаро театр куни жаҳонда содир бўлиб турган ижобий ва ташвишли ҳолатлар шевасида янада улкан, ҳаётий зарур аҳамият касб этади. Зеро, театрнинг айниқса ривожланишига бугунги кунда умумбашарий аҳамияти, ўрни тинчлик ва тараққиёт, дўстлик ва ҳамкорлик йўлидаги саъй-ҳаракатлари энг юксак пардаларда янграмоғи керак.

**Баҳриддин НАСРИДДИНОВ.**



# Шоир сўзи имкониятлари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қашқадарё вилояти ҳокими Б. Ҳамидов шоир шеърияти ҳақида гапириб, эзгу тилакларини изҳор қилди. Шоирнинг биринчи ўқитувчиси, Доно Қудратов, Абдуқаҳҳор бахши Раҳимов, Ўзбекистон халқ артисти Ҳусан Амирқулов, Зулфия мукофоти совриндори Шаҳноза Холмаҳматова, шоир Бозор Болтаев Абдулла Орипов ҳақида дил сўзларини изҳор этдилар.

Шоир ўз сўзида мухлислар билан бўлаётган бу учрашув ўзига хос ҳисобот ҳам эканлигини таъкидлади. 40 йиллик ижодининг маҳсули сифатида — 4 жилдлик асарини қашқадарёлик ўқувчиларга туҳфа қилди. Биз сизнинг олдингизда қарздормиз, бурчлимиз, дея таъкидлади шоир.

Ҳа, шоир ҳақ. Қашқадарё шундай табаррук замин. Шунинг учун ҳам Юртбошимизнинг бу воҳага, унинг одамларига меҳри бўлакча. Шу азиз Ватан — барчамизники. Ҳаммамиз шу Ватанга фарзандмиз. Лекин Ватанга ким қандай хизмат қилмоқда? Вақт ўтар. Сарҳисоб гали ҳам келар. Ватан кимни фарзанд деб тан олгай? Ҳамма гап шунда. Шоирнинг ўтли сатрларини дилга жойлаб, унинг мағзини чаққан ҳар бир киши, ҳеч шубҳасиз, Ватанимиз тараққиёти учун жонини ҳам аямайди. Тантанали тадбирда қатнашган ҳар киши, назаримда, шундай фикрга келди ва шундай таассурот муҳрланиб қолди.

Шоирнинг 60 йиллигига бағишланган тантаналар, тадбирлар давом этмоқда.

**Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


**ГУФИК АВИЦЕННА**
тел. (365) 2261730,
факс (365)2261411
Бухоро ш.

## ГУФИК - АВИЦЕННА ҚК

**ГУФИК ЛТД**
тел. (3712)68-93-40,
факс (3712)68-24-29
Тошкент ш.

**ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАГИ ОМБОРЛАРДАН ЎЗ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**СУКСИЛ** - тери ва юмшоқ тўқималар, нафас йўллари, суяк бўғинлари ва тўқималар инфекциялари, гонореяни даволашда қўлланилувчи антибиотик.

**ОЛИН** - қуйи ва юқори нафас йўллари, сийдик йўллари инфекцияларига қарши восита.

**АМАКСИН** - қуйи ва юқори нафас йўллари, ошқозон-ичак ва сийдик йўллари инфекцияларини даволашда қўлланилувчи антибиотик.

**ГИРОЦИД** - сийдик йўли инфекциялари ва гонореянинг дастлабки босқичларида қўлланилувчи восита.

**КОТРОКС** - нафас, ошқозон-ичак, сийдик йўллари инфекцияларини даволаш учун бактерияларга қарши восита.

**МЕТРОНИДАЗОЛ** - анаэроб инфекциялар, трихомониаз, лямблиозларни даволашда самарали таъсир кўрсатади.

**МОЛ** - оғриқни қолдирувчи таъсирга эга, иситмани тушурувчи дори.

**КЕЭР** - бўғин ва мушаклар оғриқларида шамоллашни олдини олувчи гиёҳли малҳам.

**АСТИЛ** - бронхиал астма, нафас сиқиш хасталикларини даволашда зарур бўлган восита.

**ФУРОСИД** - юрак етишмовчилиги билан боғлиқ бўлган қон босим, жигар ва буйрак хасталикларида қўлланилади.

**ТОМИД** - қайд қилишни олдини олувчи дори, гастромодулятор.

**ТЕДИН** - аллергиянинг турли кўринишларида қўлланилувчи восита.

**РУПРОКС** - шамоллашни олдини олувчи, оғриқни қолдирувчи дори, аллергиянинг бодли кўринишларида қўлланилади.

**НАПРОКСЕН** - оғриқсизлантирувчи, шамоллашни олдини олувчи восита. Артрит ва дисминорея хасталикларига даво бўлади.

**НОКТИЛ** - асаб бузилишларида қўлланилади, тутқаноқнинг олдини олишда асқотади.

**РОЛЛ-ОН** - шамоллашни даволашда терига суртиладиган мой.





## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ

### қуйидаги объектларга тиббий ускуналар етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади

**Собир Раҳимов туманидаги 1-сон шаҳар юқумли касалликлар шифохонасини қайта таъмирлаш; Юнусобод туманидаги 5-сон шаҳар туғруқхонасини қайта ихтисослаштириш.**

Тендер савдоларида мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ташкилотлар, корхоналар, фирмалар ва қўшма корхоналар қатнашиши мумкин.

| Т/№ | Маҳсулотлар номи | Сони, ҳажми |
|---|---|---|
| 1. | «Алоқа 1400 с» ультратовуш сканери | 2 та тўплам |
| 2. | Ҳаракатланувчи рентген қурилмаси | 1 дона |
| 3. | Анестезиологик комбайн | 1 дона |
| 4. | Операция лапороскопи, лапороскоп учун ускуналар | 1 та тўплам |
| 5. | Клиник анализатор | 1 та тўплам |
| 6. | Чақалоқни интенсив назорат қилувчи тизим | 4 та тўплам |
| 7. | Туғруқ столи, креслоси | 9 та тўплам |
| 8. | Инфузион насос (инфузомат) | 8 та тўплам |
| 9. | Катталар учун кўп функцияли кроват (ФУТУРА) | 16 та тўплам |
| 10. | ДЕКО 200 Е қурутгичли ювиш дизенфектори | 73 та тўплам |
| 11. | Дорихоналар учун автоматик тарзда ювиш машинаси | 1 дона |
| 12. | Аквадистилятор 7л/с | 1 дона |
| 13. | Лаборатория микроскопи | 2 та тўплам |
| 14. | Лаборатория иш столлари тизими | 3 та тўплам |
| 15. | Янги туғилган чақалоқлар учун 280 мл.ли ресускитатор | 10 дона |
| 16. | Йўргаклаш столи | 58 дона |
| 17. | Тортувчи (вентиляцияли) шкаф | 9 дона |
| 18. | Операция чироғи | 4 дона |
| 19. | Назорат қилиш учун ёритгич | 12 дона |
| 20. | Бактерицид лампаси | 10 дона |
| 21. | 6 тармоқли электрокардиограф | 1 дона |
| 22. | Аборт учун тортувчи кюреткалар | 1 та тўплам |
| 23. | Чақалоқлар учун ларенгоскоп | 2 та тўплам |
| 24. | Ингаляция трубкалари | 20 дона |
| 25. | Туғруқ учун асбоб-ускуналар тўплами | 24 дона |
| 26. | Кесарева сечениелар учун ҳам | 6 дона |
| 27. | Гинекология учун ҳам | 11 дона |
| 28. | Чақалоқлар учун тарозилар | 24 дона |
| 29. | Стетоскоп | 20 дона |
| 30. | Винтли стул | 13 дона |
| 31. | Негатоскоп | 12 дона |
| 32. | ОУ-1 универсал операция столи | 4 та тўплам |
| 33. | Яраларни боғлаш столи | 12 дона |
| 34. | Тиббий жарроҳлик столчалари | 25 дона |
| 35. | Пулт билан бошқариладиган 4х15 рефлекторли тиббий ёритгичлар | 4 дона |
| 36. | 1-Ф сўрувчи жарроҳлик ускунаси | 16 дона |
| 37. | Электрожарроҳлик учун юқори частотали аппарат | 4 дона |
| 38. | RO ингаляция наркози аппарати | 6 дона |
| 39. | Бир табақали ва икки табақали тиббий шкафлар | 80 дона |
| 40. | Манипуляция столчалари | 24 дона |
| 41. | Касалларни ташиш учун тиббий аравачалар | 15 дона |
| 42. | Болалар учун электрон тиббий тарозилар | 12 дона |
| 43. | ДИ-03 дефирилятор импульс | 3 дона |
| 44. | Она ва ҳомила монитори, ҳомиланинг ички юрак қисқариши частоталарини ўлчаш асбоби | 4 дона |
| 45. | Акушерлик кровати | 15 дона |
| 46. | Чақалоқларни сариқ касаллигига чалинганда даволаш нурлатгич | 2 дона |
| 47. | ОБН-300, 150 бактерицид нурлатгич | 400 дона |
| 48. | Қўлда ҳаракатлантириладиган гинекологик кресло | 11 дона |
| 49. | Автоматик клиник кювез инкубатори | 6 дона |
| 50. | Тиббий стационар, функционал кроват | 66 дона |
| 51. | Кўчма рентген аппарат | 1 дона |
| 52. | Акушерлик стетоскопи | 50 дона |
| 53. | Столга қўйиладиган центрифуга | 14 дона |
| 54. | Қуруқ иссиқлик стерилизатори | 7 дона |
| 55. | Автоматик бошқариладиган дисцилятор | 4 дона |
| 56. | Тўлиқ тўпламли монитор кузаткич тизими | 1 дона |
| 57. | «Амбу» янги туғилган чақалоқлар учун индивидуал тўплам | 10 дона |
| 58. | Партатив терапия, нафас олдириш учун аппарат | 4 дона |
| 59. | 6 тармоқли ЭКГ, иссиқлик ёзуви билан | 1 дона |
| 60. | «Ультратон» — товуш частотали ток билан даволаш аппарати | 1 дона |
| 61. | ИВИ терапия учун кўчма аппарат | 2 дона |
| 62. | «Поток» галанизация учун аппарат | 2 дона |
| 63. | Ҳомиланинг юрак уришини назорат қилувчи «Малыш» асбоби | 6 дона |
| 64. | Ҳомиладорликни текшириш учун аппарат | 1 дона |
| 65. | Ултратовушли диагностик аппарат | 2 дона |
| 66. | Биологик микроскоп | 3 дона |
| 67. | Солюкс стол чироғи | 4 дона |
| 68. | Чақалоқлар учун лорингоскоп | 2 дона |
| 69. | Автоматик инфузор | 4 та тўплам |
| 70. | Педиатрия манитори | 1 дона |
| 71. | Буғли стерилизатор | 1 дона |
| 72. | ДЭ-40 акводисцилятор | 1 дона |
| 73. | СС-40 дисцилятор сувини йиғиш | 1 дона |
| 74. | Рецептура идишларини ювиш учун машина | 2 дона |
| 75. | ФРМ-1, рўйхатга олиш фотометори | 1 дона |
| 76. | Преобразователь (ўзгартиргич) | 1 дона |
| 77. | Лаборатория ҳисоблагичи | 2 дона |
| 78. | КФК-8 Клорометр | 1 дона |
| 79. | Фотоэлектрик гемоглонометор | 1 дона |
| 80. | МПЛ-200 ювиш машинаси | 2 дона |
| 81. | Калорифер — нефелолятор | 1 дона |
| 82. | Жарроҳлик умывалниги | 28 дона |
| 83. | Электр ёруғи билан даволаш учун кушетка | 5 дона |
| 84. | Янги туғилган чақалоқлар учун санитария столи | 62 дона |
| 85. | Кимё лабораторияси столи | 9 дона |
| 86. | Кимё реактивлари шкафи | 3 дона |
| 87. | Жарроҳлик лопараскопи | 1 дона |
| 88. | Биохимик электролитлар анализатори | 2 дона |
| 89. | Дистанцион анализатор | 9 дона |
| 90. | Транскутантли билирубинометр | 1 дона |
| 91. | Салли гемометри | 10 дона |
| 92. | Чақалоқлар учун Дрегер фирмаси ИВЛ маҳсулоти | 1 дона |
| 93. | Чақалоқлар учун реанимация столчалари | 4 дона |
| 94. | Катта операция тўплами | 8 та тўплам |
| 95. | Аккушерлик тўплами | 18 дона |
| 96. | Бир ўринли даволаш барокомераси тизими, кондиционерлик ва пультда бошқарилади | 1 дона |
| 97. | УКВ 2а-С тиббий кондиционери | 1 та тўплам |
| 98 | Д8-16 мис қувурлари | П/м 2559 |
| 99 | ЦСР-1 тўплами | 1 та тўплам |
| 100 | КСС-2 тўплами | 1 та тўплам |
| 101 | ДКП 1-65 кислород редуктори | 3 дона |
| 102 | Дори-дармонлар сақлаш учун шкаф | 10 дона |
| 103 | ИКАР сунъий йўтал учун аппарат | 3 дона |
| 104 | Электртермостат ТС-80Н-2 | 2 дона |
| 105 | Жарроҳлик стулчаси | 1 дона |
| 106 | Тиббий тарозилар | 10 дона |
| 107 | Болалар учун кислород терапияси аппарати | 2 дона |
| 108 | «Домего» ҳажмли респиратор | 2 та тўплам |
| 109 | Чақалоқлар учун қўлда ишлатиладиган РДА-1 сунъий нафас олдириш аппарати | 2 дона |
| 110 | AVL (K.Na.Cl) типидаги аппарат, Австрия маҳсулоти | 1 та тўплам |
| 111 | «Медикал» қон босими анализатори, АҚШ маҳсулоти | 1 та тўплам |
| 112 | Биохимик автомат анализатори (А.ЛБ) | 1 дона |
| 113 | «Униплан» иммунофермент анализатори | 1 дона |
| 114 | «Эвита 2 плюс» ўпкани сунъий тозалаш аппарати, Германия маҳсулоти | 1 дона |
| 115 | УЗИ аппарати Logiq a 200 GE | 1 та тўплам |
| 116 | С.Н.О очиқ неанатол реанимация столи, Россия маҳсулоти | 2 дона |
| 117 | Плазмафарезни томчилатиб узатувчи аппарат | 1 дона |
| 118 | Ички томирлардаги қонни лазер-нурлатиш учун аппарат | 1 дона |
| 119 | Қонни ультра бинафша нурлари билан нурлатиш учун УФОАҚ автомат аппарат | 1 дона |
| 120 | «Линеомат» ички томирларга қуйиш учун аппарат | 12 дона |
| 121 | 12116 ҳаракатланадиган рентген аппарати | 1 дона |
| 122 | Касалхона учун лифтлар (500 кг вазн) | 1 та тўплам |
| 123 | "Лайк" фильтри | 60та |

Танлов савдолари муддати-эълон чоп этилгандан бошлаб 5 кун.
Танлов савдолари куйидаги манзилда ўтказилади:
Ўзбекистон проспекти, 16, 201 хона. Тел.: 144-35-39, 41-87-62.

3968


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 2115. 32212 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир Болтаев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Д. Турғунова.
Мусаҳҳиҳ — О. Абдуазимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди: 21.40 1 2 3 4 5 6